



"ТАСДИКЛАЙМАН"

Янгибозор туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи

М. Ваисова

2022 йил

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

**ТАНЛОВ**

**ХУЖЖАТЛАРИ**

**Янгибозор -2022**

**Танлов ҳужжатларининг мазмуни**

**I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

**II. Техник қисм**

**III. Наршар қисми**

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**  
**1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚЙМАТИ**

Танлов предмети: **Бир тумбали офис столлари етказиб бериш.**

- 1.1. Танлов охирги қиймати 57 600 000 (эллик етти миллион олти юз минг) сум . Ушбу қийматдан ортқ қиймат қабул қилинмайди ва куриб чиқилмайди.
- 1.2. Махсулот буйича Техник топширик танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.  
Ушбу танлов яқунлари буйича **голиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**
- 1.3. Товарларни етказиб бериш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 7 календар кун.
- 1.4. Товарларни етказиб бериш муддати - шартнома газначилик булимидан руйхатдан утказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

**2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

- 2.1. **“Янгибозор туман тиббиёт бирлашмаси”** (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади)-танлов ташкилотчиси ҳисобланади.  
“Буюртмачи” манзили:, Хоразм вилояти Янгибозор тумани
- 2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

**3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга булган барча юридик макомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:  
танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма маблагларнинг ёки курсатиб утилган маблагларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; шартномалар тузиш юзасндан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар, танлов объектига ухшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги уз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тугрисидаги маълумотлар; танлов объектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам булмаган ҳолда); Низом маблаг микдори.
- 3.3. Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.
- 3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

**4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

- 4.1. Иштирокчилар уз таклифларини электрон қуринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар утказиш учун жойлаштиришли лозим.
- 4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига қура узбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.
- 4.3. танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим: • Техник қием, “Буюртмачи” томонидан қуйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак; • Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошқа боғлиқ курсатқичлар курсатилган булиши керак. Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахе имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.
- 4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тулик булиши талаб этилади: Техник таклиф. Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва муҳрланган ҳолда; • Техник ҳужжатлар руйхати брошюралар, техник паспортлар ёки ухшаш ҳужжатлар булиши шарт ;
- 4.5. Танлов иштирокчиси: -фақат битта таклиф бериши мумкин; - тақдим этилаётган ҳужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тулик жавобгар булади; - таклифлар бериш муддати тугагунга қадар уз таклифларини қайтариб олиш. ёки узгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

**5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАВДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

- 5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таъълукли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5- календар кунга узайтириши мумкин.
- 5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йигилиши қарори асосида амалга оширилади.
- 5.3. Танлов муддатини узайтириш тугрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

**6. ТОМОНЛАРНИИГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

- 6.1. Давлат харидлари тугрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар
- 6.2. Харид комиссияси давлат харидлари буйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш буйича мажбурдир.
- 6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни хақиқийлиги ва тугрилига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

**7. БОШҚА ШАРТЛАР**

- 7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига узгартишлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга хақли. Товарни (ишни, хизматни) узгартиришга йул қуйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига узгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда курсатилган ахборот узгартирилган булса, танлов утказиш тугрисидаги эълонга узгартишлар киритилади.
- 7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қондаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга хақли. Суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш қуни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қондаларига дойр тушунтиришлар уларнинг мазмун- моҳиятини узгартирмаслиги керак.
- 7.3. Таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланган ҳамда ундан олинган қучирма уз имзоланган кундан эътиборан уч иш қуни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.
- 7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилингандан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига дойр тушунтиришларни тақдим этиш тугрисида суров юборишга хақли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш қуни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.
- 7.5. Танлов натижалари буйича шартнома танлов ҳужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади